



Бир куни кечкурун, бундан саккиз ой мукаддам, дўстимиз Луи Р.нинг хонасига бир кеча собик синфдошлар йигилдик. Пунш ичдик, чекдик, адабиёт ва рассомлик санъати хакида гап сотдик, одатда ёшларнинг гурунглирида айтиладиган хазил-мутойибалар бўлди. Бир пайт туйкусдан эшик ланг очилиб, болаликдаги бир дўстим хонага куюндай бостириб кирди.

— Хўш, кани ким айтади, мен хозир каердан келдим, — кичкирди у.

— Гаров ўйнашим мумкин, Мабилдан! — деди кимдир.

— Йўк, кўринишингдан кайфинг чоғ, харкалай, бирор жойдан карзга пул ундиргансан ё бувангни дафн этиб кайтдингми? Ха, топдим, соатингни гаровга кўйгансан, мўлжалингдаги нархда, — деди бошкаси.

— Менингча, сен жиндай отгансан, — деди учинчиси. — Луиникидаги пуншнинг хидини олиб, томогингни яна хўллагинг келиб колган.

— Йўк, тополмадинглар, мен П.дан келдим. Нормандиядаги П.дан. Бир хафта бўлдим у ерда, мана ўзим билан бирга биродаримниям олиб келдим, рухсат этинг, жаноблар, уни сизга таништирай!

У шу сўзларни айтиб чўнтагидан териси шилинган одам кўлини чикарди. Кўл ниҳоятда кўркинчли эди: коп-кора куриб колган бармоклари узун, майишиб кетганга ўхшарди. Фавкулудда бакуват мушакларнинг юкори ва куйи кисмида шилинмай колган, пергаментга ўхшаб кетадиган тери парчалари тарам-тарам, бармоқларининг учидан саргимтир ўткир тирноклар туртиб чикиб турарди. Бу манзарадан шундоқкина жиноятнинг хиди анкирди.

— Тасаввур килинг, — хикоя кила бошлади дўстим, — якинда вилоятга донги кетган бир қари жодугарнинг кўкир-сўкирларини сотишди. Жодугар хар хафтанинг шанбасида супургисига миниб, жинлар базмига отланар, жодугарлик билан шугулланар экан: сигирларга кинна солганида жониворларнинг сути кўм-кўк кўкариб, думлари худди авлиё Антонийнинг надиминикидай тиккасига буралиб кетаркан. Ўша қари алвасти мана шу кўлга жуда меҳр кўйган экан.

Унинг айтишича, бу кўл ўзининг конуний хотинини боши билан кудукка ташлаб юборгани (дарвоқе, буни шахсан мен жиноят деб хисоблайман) ва бунгача ўзларини никохлаган рухонийни жомнинг арқонига осиб ўлдиргани учун 1736 йили катл этилган донги кетган бир каллакесарга мансуб эмиш. Ана шу кўшалок жасоратни амалга оширганидан сўнг бу муттахам беҳад огир жиноятларга кўл уради, ўзининг хийла киска ва айни пайтда саргузаштларга тўлиб-тошган умри мобайнида юзлаб сайёҳларни шилади, монастирда йигирматача рухонийни тутунга камаб бўғиб ўлдиради, аёллар монастирини харамга айлантиради.

— Нима килмокчисан бу жирканч матохни? – деб сўрадик биз.

— Хе, жин урсин, ижарачиларни бир кўркитай. Буни мен эшикнинг кўнгиругига дастак килиб бойлаб кўяман.

— Дўстим, — деди новча, тепса тебранмас инглиз Генри Смит, — кўп ховликаверма, менимча, бу кўл янгича усулда консерваланган гўшт, холос. Мен сенга ундан шўрва кайнатишни маслахат бераман.

— Хазилни бас килинглар, жаноблар! — деди ширакайф талаба-табиб сиполик билан норози охангда. — Сен эса, Пер, менинг окилона маслахатимга кулок осгин-да майитнинг бу аъзосини масихчасига дафн этгин, акс холда эгаси кўлини кидириб сенга йўликади: боз устига, кўлнинг эгаси манфур одатини такрорласа хам ажаб эмас, ахир, ўзинг биласан-ку «тарки одат — амри махол».

— Ха, тарки одат — амри махол! Ичган — тагин ичади! Кани олдик! – дея кувватлади уй эгаси ва талабага катта кадахни тўлатиб пунш куйди. У кадахни бир кўтаришда бўшатди-ю, кайфи ошиб столнинг тагига кулаб тушди, хонада кийкирик кўтарилди. Пер кадахни кўтариб, мулозамат килгандай кўлга хийла энгашиб, деди:

— Сенинг эганг билан бўлажак учрашув учун ичаман!

Шундан сўнг сухбатимиз бошка мавзуга кўчди ва орадан кўп ўтмай хамма уй-уйига таркалди.

Эртаси куни, соат иккиларда мен Пер яшайдиган уйнинг олдидан ўтаётиб, бирров кирдим.

— Хўш, калайсан? – деб сўрадим ундан.

— Зўр, — деди у.

— Кўл каерда?

— Кўлми? Нима кўзинг тушмадим, кеча кечкурун уйга кираётиб кўнгирокнинг ипига осиб кўйгандим. Ха, тасаввур киласанми, аллакандай телба ярим окшом кўнгирокни роса жиринглатса бўладими, харкалай, кимдир биров бебошлик килди чоги, мен кимсан, деб чакирдим, хеч ким жавоб бермади, кейин тўшакка чўзилиб котиб ухлаб колибман.

Шу пайт кўнгирок жиринглади. Бу уйнинг хўжайини — кўпол, ёкимсиз бир нусха эди. У хонага тумтайганча кириб келди, хатто хол сўрашни хам ўзига эп кўрмади.

— Хурматли жаноб, — деди у дўстимга, — бу ўлимтикни дархол йўкотишга рухсат этинг, акс холда сизни хонадан чиқариб юборишга мажбурман.

— Мархаматли жаноб, — фавкулудда жиддий охангда жавоб берди Пер. — Сиз кўлни хакорат килдингиз, ахир, у бунга муносиб иш килгани йўк-ку. Билиб кўйинг, бу кўл багоят ахлокли инсонга мансубдир.

Хўжайин бурилиб, хайрлашмасдан чиқиб кетди. Пер унинг ортидан бориб кўнгирокдан кўлни ечиб олди ва уни тўшагининг устидаги кўнгирок ипига илдириб кўйди.

— Мана шу ерда тургани маъкул, — деди у. — Бу кўл худди тирранчалар: «Биродарлар, ўлишга тўгри келади», деганларидай, хар окшом уйку олдидан мени жиддий фикрларга ундайди.

У билан бир соатча ўтириб, уйга кайтдим. Кечаси уйкум кочди, хаяжонландим, асабим бузилди, бот-бот босинкираб уйгониб кетдим. Бир махал аллаким бош учимда каккайиб тургандай туюлди, вахима босди, ўрнимдан ирғиб турдим, кароватнинг тагига карадим, шкафни очдим. Нихоят, соат олтилар эди чамаси, кўзим илинибди, бироқ эшик шунаканги вахимали такилласа бўладими, тўшакдан сапчиб туриб кетдим. Такиллатган дўстимнинг хизматкори экан, ярим ялангоч, ранг-рўйи докадай, жаги-жагига тегмайди, аъзойи бадани калтирайди.

— Ў, жаноб! — хитоб килди у йигламоқдан бери бўлиб, — шўрлик хўжайинимни ўлдириб кўйишди!

Апил-тапил кийиниб, Пернинг уйига югурдим. Тумонат одам, хамма хар томонга зир югурган, рўй берган фожеани хар ким ўзича тўкиб-бичиб изохлаш, хаяжондан бўгилиб бахслашарди. Оломоннинг орасини ёриб ўтиб, дўстим ётадиган хонага бир амаллаб етдим: эшикни ичкаридан бекитиб олишган экан, кимлигимни айтгандан сўнг киритишди. Тўрт нафар политсия ходими хонанинг ўртасида кўлларида ёзув дафтарчалари, бор нарсаларни бирма-бир синчиклаб кузатишар, ора-сира шивирлашиб дафтарчаларига бир нарсаларни ёзиб кўйишарди: икки нафар табиб беҳуш ётган Пернинг бошида гаплашиб турарди. Пер тирик эди, афт-ангоридан от хуркади, башараси аянчли тусда, кўзлари косасидан ирғиб чиккан, кенгайиб кетган корачиклари кўзга кўринмайдиган аллакандай ёвуз махлукка карагандай дахшатга тушиб бакрайиб котиб колган, бармоклари эса каттик сикилганидан мушт бўлиб тошдай котган. Гавдаси иягигача чойшаб билан ёпиб кўйилган. Мен уни ўмганидан олиб кўтардим, шунда томогига чукур ботиб кетган беш панжанинг изига кўзим тушди. Кўйлагига томган бир неча томчи кон кизариб турарди. Шу дакикада мени бир нарса хайратга солди: фавкулудда кўзим унинг тўшаги устида осилиб турган кўнгирокнинг ипига тушди, кеча шу ипга дўстим боглаб кўйган териси шилинган кўл йўк эди! Балки кўрганлар кўркмасин деб докторлар кўлни ечиб олишгандир. Ахир, унга тасодифан кўзи тушган одамнинг юраги чикиб кетиши турган гап. Кўлнинг каерга дафн этилганини сўраб ўтирмадим.

Ёнди эртаси куни газетада бу машъум жиноят хакида политсиянинг эълон килган хулосасини жамики тафсилотлари билан келтирай.

Мана, мен газетада ўкиган хабар:

«Ёш, машхур норманд сулоласидан бирига мансуб талаба йигит Пер Б. кеч окшом дахшатли ёвузлик курбони бўлди. У кечкурун, соат ўнлар чамаси, ётогига кайтган ва хизматкори Бовенга рухсат бериб чарчаганини, ухламокчи эканини айтган. Тун яримлаб колган бир махалда кўнгирокнинг аянчли жаранглашидан уйғониб кетади. Юрагини ховучлаб ўрнидан тез туради-ю шамни ёкиб бироз кутади. Кўнгирок овози бир дакика тинади, бироқ тагин узундан узок жаранглайди: ўтакаси ёрилгудай кўркувга тушган хизматкор коровулга югуради. Коровул политсияга чопади, ярим соат ичида етиб келган политсия эшикни синдириб ичкарига киради.

Улар хонага киришганда аянчли манзарага дуч келишади, мебеллар тўнтариб ташланган, кийим-кечаклар сочилиб ётарди. Буни кўрган политсиячилар жиноятчи билан унинг курбони ўртасида аёвсиз жанг бўлган, деган фикрга келишади. Хонанинг ўртасида ёш йигит Пер Б. беҳуш чалканча ётарди.

Унинг бадани титраб турар, юзида кони йўк, корачиклари вахимадан кенгайиб кетган. Дархол бу ерга чакирилган доктор Бурдонинг фикрича, боскинчи кучли, бармоклари узун ва чайир бўлган, чунки милтиқдан отилган ўқларнинг изидай беш панжа Пернинг гарданида нак тешиб ўтиб, мушт бўлиб махкам сикилган. Котилнинг шахси ва жиноятга алоқадор бирорта далил топилгани йўк».

Ертаси куни шу газетада тагин шундай хабар чикди:

«Кеча хабар килганимиздек, огир жиноятнинг курбони бўлган жаноб Пер Б. доктор Бурдонинг икки соат мобайнидаги саъй-харакатлари туфайли ўзига келди. Хозирча жабрланувчининг хаёти хавф остида эмас, бироқ акл-хуши жиддий ташвиш тугдираётир, хануз боскинчидан бирор-бир нишона топилгани йўк».

Ха, шўрлик дўстим аклдан озиб колди, етти ойча уни йўклаб, касалхонага бориб, кўриб

турдим, аммо Пер ўзига келмади. У жинниларча жавраган пайтда огзидан пойинтар-сойинтар сўзлар чикарди, миясига елимдай ёпишган аллакандай фикр мудом уни азобларди: гўё уни арвох тиндирмай таъкиб киларди. Бир куни Пернинг ахволи огирлашиб колди, деб хабар келди, тезда етиб бордим, мен борганда дўстим жон талвасасида эди. Шундан сўнг у икки соатча кимир этмай ётди. Бир пайт кутилмаганда кароватдан сакраб турди-да, тутканоги тутиб, чинкира бошлади: «Йўкот уни! Йўкот! У мени бўғаяпти! Дод! Ёрдам беринглар! Ёрдам!...». Пер фарёд чекиб жон талвасасида хонанинг ичини икки бор айланиб югурди-да, ўртага юз тубан кулади.

Боякиш етим эди, жасадни оила аъзолари дафн этилган норманд кишлокчаси П.га олиб бориш менга юкланди. Ўшанда, Луи Р.нинг уйида пунш ичиб, собик синфдошлар билан улфатчилик килиб ўтирганимизда Пер мана шу кишлокдан келган, бизга териси шилинган кўлни кўрсатган эди. Унинг жасадини кўргошин тобутга солдик.

Орадан тўрт кун ўтиб, унинг биринчи муаллими кекса кашиш билан кабр казиётган жойда айланиб юргандик. Хаво очик, жуда ажойиб кун эди, мовий осмонда офтоб чараклаб турибди. Болалигимизда неча маротаба маймунжон терган юлгунзорда кушлар чугурлашарди. Хар гал панжарали тўсикни ёкалаб бориб, ўзимизга маълум майдоннинг этагидаги камбагаллар дафн килинадиган жойдаги девор тиркишидан кирганимиз ёдимга тушди. Хар сафар огиз-бурнимиз маймунжондан корайиб уйга кайтардик.

Буталарга термуламан: шохларда маймунжон сероб, беихтиёр бир бутани узиб олиб, огзимга солдим. Кашиш дуолар китобини очди ва мингирлаб ўкий бошлади, хиёбоннинг нариги бошидан ерга урилаётган белкуракнинг зарби эшитилиб турибди: гўрковлар кабр казишаётир. Тўсатдан улар бизни чакириб қолишди, кашиш китобини ёпди ва биз нима гаплигини билиш учун бордик. Маълум бўлишича, гўрковлар кабр казиётди, бир тобутга дуч келишибди. Белкуракнинг зарбидан тобутнинг копкоги очилиб қолибди. Бир барваста жасаднинг скелетини кўрдик, скелет чалканча ётар, бўм-бўш кўз косалари билан бизга ўкрайиб тургандай туюлди. Кўнглим беҳузур бўлди, негадир кўркиб кетдим. — Ана холос! — хитоб килди гўрковлардан бири. — Каранглар, бу жўмарднинг панжалари кесилган-ку!

Шундай деб скелетнинг ёнбошида турган куриб колган бармоксиз билак суюгини кўтариб бизга узатди.

— У менга ўкрайиб караётганга ўхшайди, — деб кулди бошка бир гўрков, — хозир томогимдан олади, кўлимни топиб бер, дейди.

— Азизларим, — деди кашиш, — мархумнинг оромини бузманг, бекитинг тобутни: биродаримиз бечора Пер учун бошка жойдан гўр казамиз.

Ертаси куни маросимлар тугади ва мен беҳосдан хокини безовта килганимиз — ўша панжалари кесилган мархумнинг рухига дуо ўкиб кўйишни сўраб кекса кашишга эллик франк бериб, Парижга жўнаб кетдим.

Ахмад ОТАБОЙ таржимаси